



## XIX ЎРТАЛАРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ

Тишабаева Лола Арифовна

Фарғона политехника институти “Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар”  
кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6509534>

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада Россия ва Ўрта Осиё хонликлари ўртасида олиб борилган савдо алоқалари, Ўрта Осиё хонликларидаги савдо билан боғлиқ муаммоли масалаларига тўхталиб ўтилади.

**Калит сўзлар:** дон, чарм, металлар, мўйна ва саноат моллари: метал буюмлар, ҳар хил идишлар, сандиқлар, ип-газлама ва шойи, Хивада – Ҳакимбой, Ёқуббой, Отаниёзов, Мухаммад Каримбой исмли савдогарлар

Россия ва Ўрта Осиё хонликлари ўртасида олиб борилган савдо алоқалари жуда катта тарихга эгадир. Лекин табиийки, бу савдо жараёни ўз даврига қараб нафақат сон жиҳатдан, балким сифат жиҳатдан ҳам ўзгариб турган. Савдо характеристидаги бу ўзгаришлар биринчи навбатда рус саноатининг ривожланишига ва Ўрта Осиё хонликларида савдо-сотиқقا бўлган талабга боғлиқдир.

Россияда “1826 йилда 5128 та фабрика ва завод бўлган бўлса, 1856 йилда улар сони 11556 тага етган. 1826 йилда ишчилар сони 206400 та бўлса, 1856 йилда 518700 кишини ташкил қилган”<sup>1</sup>. Ушбу даврда ип-газлама, мовут ва қанд фабрикалари ҳамда пўлат, темир, чўян заводларининг ривожланганини кўришимиз мумкин. Бу саноат тармоқларининг ўсиши, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни кўплаб миқдорда четга, жумладан, Ўрта Осиёга жўнаташ имконини берди. Мамлакатда саноатнинг жадал суръатлар билан ривожланиши натижасида ички бозор торлик қилиб қолди. Тўқимачилик саноати маҳсулотларига талаб ошди. Айниқса, Америка паҳтасининг инқирози вақтида саноатнинг хомашёга бўлган талаби ошиб кетди. Ушбу вақтда Россия саноати учун хомашё манбаи

<sup>1</sup> Зиёев X. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX асрлар). – Т., 1965. – Б. 23.



Ўрта Осиё бўлиши мумкинлиги сезилиб қолди. Буларнинг бариси, XIX асрнинг ўрталаридан XX асрнинг бошларига қадар, яъни биз қўриб чиқмоқчи бўлган даврда Ўрта Осиё хонликлари билан Россия ўртасида савдо-сотиқнинг аввалги даврларга нисбатан анча юқори кўтарилиб, жадал тус олишига олиб келди.

Шундай қилиб, Россиянинг Ўрта Осиё чегаралари бўйлаб чиқарадиган моллари: дон, чарм, металлар, мўйна ва саноат моллари: метал буюмлар, ҳар хил идишлар, сандиқлар, ип-газлама ва шойи материалларини ташкил қиласиди. Темир буюмлар, ип-газлама материаллари барча чиқариладиган молларнинг асосини ташкил қиласиди.

40- йилларнинг бошида Россиянинг Ўрта Осиё хонликларига чиқарган ип-газлама материалларининг ҳажми ярим миллион сўмдан ошиб кетган эди. 50- йилларнинг ўрталарига келиб, Ўрта Осиё хонликларига ип-газлама маҳсулотларини экспорт қилиш бир оз пасаяди ва 350 минг сўмгача тушади. Фақат 1857 йилга келиб, хонликларга чиқарилган ип-газлама материалларининг ҳажми 40- йиллардаги миқдорга етади.

“Ўрта Осиё хонликларига чиқарилган ип-газламанинг ҳажми: 1840 йилда 519 минг сўмни, 1843 йилда 331 минг сўмни, 1848 йилда 200 минг сўмни ташкил қиласиди”<sup>2</sup>.

Биз юқорида кўриб ўтганимиздек, Ўрта Осиё хонликларидаги уруш-жанжаллар, алоқа йўлларининг ёмонлиги, савдо карвонларининг қароқчилар томонидан таланиши Россия-Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги савдо муносабатларига салбий таъсир этар эди. Лекин шунга қарамасдан, бу икки ҳудуд ўртасидаги савдо-сотиқ ривожланиб борди.

Биз Ўрта Осиёдан Россияга келтириладиган моллар устида тўхталадиган бўлсак, у 40- йилларда Россиядан чиқариладиган моллар ҳажмидан юқори бўлган.

Бу аҳвол 50- йилларнинг биринчи ярмида ҳам давом этган. Масалан, “1851 йилда Россиядан Бухоро, Тошкент, Кўқон ва Хивага чиқарилган моллар ҳажми: 839 минг сўмлик

<sup>2</sup> Рожкова М.К. Экономические связи России со Средней Азией. (40-60 годы XIX века). – М., 1963. – С. 52.



бўлган бўлса, 1853 йилда 774 минг сўмлик, 1856 йилда 757 минг сўмлик, 1857 йилда 1164 минг сўмлик бўлган. Бухоро, Тошкент, Кўқон ва Хивадан Россияга келтирилган молларнинг ҳажми: 1851 йилда 1238 минг сўмлик бўлса, 1853 йилда 1851 минг сўмлик, 1857 йилда 2408 минг сўмлик бўлган”<sup>3</sup>.

Бундан кўринадики, XIX асрнинг 50- йилларида Россияда экспортдан кўра импорт юқори бўлган.

Ўрта Осиёдан Россияга олиб келинган молларнинг таркиби қандай эди? Бу, асосан пахта, пахтадан йигирилган ип, ип-газлама маҳсулотларидан иборат эди.

“1840 йили 217 минг сўмлик пахта, 447 минг сўмлик йигирилган ип, 638 минг сўмлик ип-газлама маҳсулотлари Ўрта Осиё хонликларидан Россияга келтирилган бўлса, 1847 йили 171 минг сўмлик пахта, 171 минг сўмлик йигирилган ип, 469 минг сўмлик ип-газлама маҳсулотлари, 1857 йили 640 минг сўмлик пахта, 122 минг сўмлик йигирилган ип, 706 минг сўмлик ип-газлама маҳсулотлари келтирилган”<sup>4</sup>.

Маълумки, Россия тўқимачилик саноатида Америка пахтаси асосий хомашё ҳисобланган. Бу пахта сифат жиҳатидан Россияда Ўрта Осиё ва Эрон пахтаси билан кенг савдо қилишга катта тўсқинлик қилган. Шунинг учун ҳам бирор сабаб билан Россияга Америка пахтаси оз миқдорда келтирилган тақдирдагина Ўрта Осиё пахтасига талаб зўраяр ва унинг нархи ошарди. Чунончи, Америка ва Европанинг ҳамма бозорларида пахта нархининг ошиши 1847 йилда Ўрта Осиё пахтаси нархини ҳам ошириб юборди.

1855-1858 йилларда ҳам Ўрта Осиё пахтасининг нархи яна ошган. Америкада Фуқаролар уруши (1861-1865) вақтида Россияга Америка пахтасини келтиришнинг иложи бўлмай қолди. Натижада “Нижний Новгород ярмаркасида, Москвада ва Россиянинг бошқа жойларида 1860 йилда Ўрта Осиё пахтасининг бир пуди беш сўмдан сотилган бўлса, 1862

<sup>3</sup> Рожкова М.К. Экономические связи России со Средней Азией. (40-60 годы XIX века). – М., 1963. – С. 53.

<sup>4</sup> Ўша асар. – Б. 54.



йилда унинг нархи 12-13 сўм орасида бўлган”<sup>5</sup>. “Чунончи, 1862 йилда 1802 минг сўмлик, 1863 йилда 2903 минг сўмлик ва 1864 йилда 6514 минг сўмлик ўзбек пахтаси Россияга келтирилганлиги бир қатор тарихий манбаларда учрайди”<sup>6</sup>.

Ўрта Осиё хонликлари XIX асрнинг 40-60- йилларида нафақат рус саноати маҳсулотларини ўз бозорларида ўтказувчи, балки рус саноатини бу маҳсулотлар, айниқса, хомашё билан таъминлаганлар.

XIX асрнинг 50-60- йилларида Россия билан Ўрта Осиё ўртасидаги савдо муносабатларига таъсир этувчи уч омил мавжуд эди. Биринчи омил – Россия ва Хитой ўртасидаги савдодаги ўзгаришлар, иккинчиси – жаҳон пахта инқирозини келтириб чиқарган АҚШдаги Фуқаролар уруши, учинчиси – чор қўшинларининг Ўрта Осиё ҳудудидаги босқинчилик ҳаракатлари.

Бу омилларнинг таъсирини биз қўйидагicha қўришимиз мумкин.

“Россиядан Ўрта Осиё чегаралари бўйлаб 1855 йили 10348 минг сўмлик, 1858 йили 11910 минг сўмлик, 1865 йили 17924 минг сўмлик мол чиқарилган бўлса, Ўрта Осиё чегаралари бўйлаб Россияга 1855 йили 16255 минг сўмлик, 1858 йили 20625 минг сўмлик, 1865 йили 23329 минг сўмлик мол олиб кирилган”<sup>7</sup>.

“1861-1862 йиллардаги Шимолий Америкадаги Фуқаролар уруши муносабати билан Россияга Америка пахтасини олиб кириш қисқарди ва шунинг натижасида Ўрта Осиё пахтасига бўлган талаб ошди. Урушнинг биринчи йили давомида Ўрта Осиёдан пахта олиб кириш қарийб уч марта кўпайди: Ўрта Осиё пахтасининг баҳоси 1846 йилга келиб 1860 йилга нисбатан беш марта кўтарилди”<sup>8</sup>.

<sup>5</sup> Зиёев X. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX асрлар). – Т., 1965. – Б. 159.

<sup>6</sup> Зиёев X. Чоризм ва пахта яккаҳокимлиги. //Шарқ юлдузи, 5-сон. – Т., 1991. – Б. 171.

<sup>7</sup> Рожкова М.К. Экономические связи России со Средней Азией (40-60 годы XIX века). – М., 1963. – С. 58-59.

<sup>8</sup> Ахмеджанов Г.А. Экспансия британских империалистов на Среднем Востоке и использование ими Гератского плацдарма (60-70 гг. XIX в.). //Труды Средазгосуниверситета. – Т.: Изд. САГУ, 1958. – С. 50.



Биз юқоридан кўришимиз мумкинки, Россия ва Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги савдо алоқалари 40-50- йилларга нисбатан 55-65- йилларга келиб анча юқорилаб кетганди. Россиянинг Хитой билан бўлган савдоси қанча пасайиб борган бўлса, Ўрта Осиё билан савдоси шунча ўсиб борган.

XIX асрнинг 56-66- йилларида Ўрта Осиё хонликларидан Россияга ва Россиядан Ўрта Осиё хонликларига чиқарилган ип-газлама маҳсулотларининг ҳажмини қўйида кўриш мумкин.

“Россиядан Ўрта Осиё хонликларига 1856 йили 320 минг сўмлик, 1860 йили 945 минг сўмлик, 1862 йили 1722 минг сўмлик, 1866 йили 3777 минг сўмлик ип-газлама маҳсулотлари чиқарилган бўлса, Ўрта Осиё хонликларидан Россияга 1856 йили 815 минг сўмлик, 1859 йили 734 минг сўмлик, 1862 йили 521 минг сўмлик, 1866 йили 322 минг сўмлик ип-газлама маҳсулотлари чиқарилган”<sup>9</sup>.

Бундан кўринадики, Ўрта Осиёнинг Россия бозорларида эмас, балки Россиянинг Ўрта Осиё бозорларида ип-газлама маҳсулотлари билан савдоси юқори бўлган ва ўсиб борган. Ниҳоят, 50- йилларнинг охиригача Ўрта Осиё хонликларидан Россияга олиб кирилган ип-газлама маҳсулотлари улар ўртасидаги савдонинг умумий айланмасининг 70-50 % ини ташкил қилган бўлса, 1866-1867 йилларга келиб 7 % ини ташкил қилди. Россиядан Ўрта Осиё хонликларига чиқариш эса 43 % дан 93 % гача ошди.

“И.Ф. Барапов ва П.С. Зубов 1844 йилда Ўрта Осиё хонликлари билан ширкат (“Товарищество”) тузганлар. Бу савдогар ва фабрикантлар Хива, Бухоро, Тошкент ва Қўқон билан савдо алоқаларини йўлга қўйганлар. Аммо ҳукуматнинг ёрдам бермаслиги ва бошқа сабаблар орқасида улар тузган компания 1848 йилда ўз ишини давом эттира олмаган”<sup>10</sup>.

<sup>9</sup> Ўша манба. – Б. 67.

<sup>10</sup> Зиёев X. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX асрлар). – Т., 1965. – Б. 132.



“Хивадан Россияга 1850 йилдан 1859 йилгача чиқарилган молларнинг ҳажми 1115941 сўмни ташкил қилган”<sup>11</sup>.

Ушбу йилларда Хивага рус молларининг экспорти Хиванинг Россияга қилган экспортидан паст бўлган.

Бу вақтда рус-осиё савдосининг маркази олдингидек Нижний Новгород ва Оренбург бўлиб қолаверди. Бу ерда ўртаосиёликларнинг руслар билан савдо қилиши учун ҳамма шароитлар мавжуд эди, турар жойлар, расталар бор эди.

Россия билан Ўрта Осиё савдо алоқаларида тайёр маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳажми ортиб борди. “XIX асрнинг 40-50- йилларида Россиядан Ўрта Осиёга чиқариладиган маҳсулотлар умумий ҳажмининг 60 % идан то 80 % игача тайёр маҳсулот ташкил қиласди. Масалан, Россия экспортининг 30 % ини ип-газлама, 22 % ини ҳар хил олтин червон пули, 12 % и чарм ва 15 % и металл ҳамда металл буюмлардан иборат эди. Шу вақтларда Ўрта Осиёдан Россияга чиқариладиган маҳсулотларнинг 30 % ини пахта билан йигирилган ип, 45 % ини маҳаллий тўқима ип-газламалар ва 12 % ини ҳар хил мўйналар ташкил қиласди. Бу вақтларда Россияга чиқариладиган пахтанинг умумий ҳажми йигирилган ипнинг ҳажмига қараганда 70 % га яқин борар эди”<sup>12</sup>.

Демак, XIX асрнинг ўрталаридан XX аср бошларига қадар Россия ва Ўрта Осиё ўртасидаги савдода Россиядан чиқариладиган молларнинг ичида тайёр маҳсулотнинг, айниқса, тўқима ип-газламаларнинг ҳажми, Ўрта Осиёдан олинадиган маҳсулотларнинг йигирилган ипга нисбатан пахтанинг ҳажми тез суръатлар билан ортмоқда эди. Россия билан Ўрта Осиё ўртасидаги иқтисодий алоқаларда пайдо бўлган бундай ҳолат, асосан,

<sup>11</sup> Садыков А.С. Экономические связи Хивы с Россией во второй половине XIX – начале XX вв. – Т., 1965. – С. 32.

<sup>12</sup> Муҳаммаджонов А.Р., Нематов Т.Н. Бухоро ва Хеванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. – Т., 1957. – Б. 73.



Россияда бу вақтларда саноатнинг, тўқимачилик саноатининг ривожланиши билан боғлиқ эди.

Шу билан бирга Россиядан Хива бозорларига XIX асрнинг 50- йилларида метал буюмлар: қайчилар, илгичлар, қулфлар, мих, чўян ва мис қозонлар, мис чойнаклар, самоварлар, умивальниклар, поднос ва чашкалар келтириларди. Асосан, мис ва темирга талаб катта бўлиб, улардан маҳаллий халқ кетмонлар, болталар, бороналар, арралар ясади. Куролсоз-усталар қилич, пичноқ ва қуроллар ясадар эдилар.

“Ўрта Осиёда марварид, маржон, кашенил (бу молларни Россиядан Бухоро савдогарларининг ўзлари олиб келишарди), олтин иплар ва бошқаларга талаб катта эди”<sup>13</sup>.

XIX асрнинг 40- йилларига қадар Россия ва Ўрта Осиё ўртасидаги барча савдо ўртаосиёлик савдогарлар қўлида эди. Қозоқ чўлларида кенг савдо олиб борган рус савдогарлари, оқсуяклари Ўрта Осиё хонликларига ўз молларини олиб бормас эдилар. Ўртаосиёлик савдогарларнинг ўзлари Россияга келиб, Нижегород ва Ирбит ярмаркаларида, Оренбург, Троицк шаҳарларида савдо ишларини олиб борганлар.

40- йилларнинг бошларида уч рус савдогари биринчи марта ўзларининг кишиларини Хивага жўнатганлар. “Бу савдогарлардан бири, биринчи гильдияли оренбурглик савдогарлардан Михаил Деев тўхтовсиз Ўрта Осиё чегаралари бўйлаб савдо қилган. Иккинчиси ҳам оренбурглик савдогар Путолов эди. Учинчиси, Хивага моллар билан ўз мирзаларини юборган, иккинчи гильдияли ростовлик савдогар Федор Пичугин эди”<sup>14</sup>.

1844 йилда Владимир губерниясининг фабрикантлари И.Ф. Баранов ва П.С. Зубов (булар ҳақида биз гапирган эдик) Пичугин билан Ўрта Осиё хонликлари билан савдо қилиш учун жамият тузган эдилар. Бу компаниячилар ўзларининг савдо фаолиятларини Хива билан бошлаб, ундан сўнг бу операцияларни Бухоро, Кўқон ва Тошкентга ҳам

<sup>13</sup> Байкова Н.Б. Россия билан Шарқ ўртасидаги иқтисодий алоқалар тарихидан. – Т., 1964. – Б. 70.

<sup>14</sup> Рожкова М.К. Экономические связи России со Средней Азией (40-60 годы XIX века). – М., 1963. – С. 135.



тарқатдилар. Биринчи йиллар жамият фаолиятининг суръати юксалиб борди. Бу жамиятга ҳукумат ёрдам бермаганлиги натижасида 1848 йилда тарқалиб кетди, лекин Пичугин ўз савдо ишларини 1850 йилларгача давом эттира олди.

1850 йиллардан бошлаб Ковалев, Баныкин, Дюков каби иккинчи гильдиядаги оренбурглик савдогарлар, учинчи ва тўртинчи гильдиядаги 4 нафар троицклиқ, биринчи ва иккинчи гильдиядаги Қозон губерниясилик савдогарлар Ўрта Осиё хонликларига ўз молларини юбориб, савдо ишларини олиб бордилар. Бу савдогарларнинг ўзлари бевосита Ўрта Осиёга келиб савдо қилмасдан, ўзларига мусулмон бўлган кишиларни, яъни татарларни мирзаликка ёллардилар. Бу эса Ўрта Осиёдаги қонунларга асосан, мусулмон савдогарлардан савдолари учун кам бож олиниб, савдогарларга катта фойда келтиради. Айниқса, 1852 йилдан бошлаб, рус-христиан савдогарларининг ўзлари бевосита савдо қилиш учун Ўрта Осиёга бормаганлар.

XIX асрнинг 60- йилларининг ўрталарига қадар рус-христиан савдогарларининг фаолияти мана шу аҳволда бўлган.

“Рус-Хива иқтисодий алоқаларидан анча манфаатдор бўлган хонликнинг бой савдогарларининг состави қуйидагича эди: Хивада – Ҳакимбой, Ёқуббой, Отаниёзов, Муҳаммад Каримбой, Хўжа Сағир, Сўфибой Хўжа; Янги Урганчда – Шокирбой Хуржин, Пирбой Хўжа, Ҳожи Чангар, Абдуллабек, Муҳаммад Шариф Баққол ва бошқалар”<sup>15</sup>.

Хива савдогарлари Астраханга шойи, пахта, жун, чарм (хомашё), ип-газлама ва шойи маҳсулотлари ҳамда хунармандчилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб келар эдилар.

Шуни айтиш керакки, то 1873 йилга қадар Россия билан савдони асосан хивалик савдогарлар олиб борганлар.

<sup>15</sup> Садыков А.С. Экономические связи Хивы с Россией во второй половине XIX – начале XX вв. – Т., 1965. – С. 34.



"1864 йили хивалик савдогарлар Нижегород ярмаркасида 80 минг пуд пахтани 1552000 сўмга сотганлар. 1866 йилда бир пуд пахтанинг нархи 10 сўм, Нижегород ярмаркасида 13 сўм 30 тийин бўлганда, улар Нижегород ярмаркасида 80 минг пудни 1 миллион 64 минг сўмга сотганлар"<sup>16</sup>.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёning Россияга экспортида пахта бош ўринда турган ва савдогарларга катта фойда келтирган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Azimjonovich R. I. Establishment of the ministry of community and family support is an important step in self-government //Epra International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) Impact Faktor: 7.032. Indiya. 2020 June. P. 161. – Т. 163.
2. Azimjonovich R. I., Obidjonovich E. U. Mahalla institute-the foundation of civil society of Uzbekistan.
3. Тожибоев У. У., Рахимов И. А. Духовные основы гражданского общества //Актуальная наука. – 2019. – №. 11. – С. 137-140.
4. Рахимов И. А. Великий шелковый путь, которым восхищается мир //Современные научные исследования: тенденции и перспективы. – 2020. – С. 93-102.
5. Рахимов И. А. Основание гражданского общества махалла //Инновационное развитие современной науки. – 2021. – С. 32-37.
6. Рахимов И. А. Из истории управленческих процедур туркестанских местных инвесторов в конце 19 и начале 20 веков //Актуальные вопросы современной науки и практики. – 2020. – С. 111-115.
7. Raximov I. A. Establishment of the ministry of community and family support is an important step in self-government //Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 215-222.

---

<sup>16</sup> Ўша асар. – Б. 36.



8. Rakhimov I., Abdullayev S. Uzbek neighbourhoods: history and nowadays

//Вестник Ошского государственного университета. – 2019. – №. 3. – С. 34-37.

9. Rahimov I. Neighborhood democratic material //Обмен научными знаниями в условиях глобализации. – 2021. – С. 31-34.

10. Рахимов И. А., Нурматов Л. О. Ў. Кўп миллатли, конфессияли маҳаллалар демократиянинг бош мезони //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 1068-1074.

11. Рахимов И. А. Действия Узбекистана в урегулировании политической ситуации в Афганистане //научное знание современности Учредители: Индивидуальный предприниматель Кузьмин Сергей Владимирович. – №. 11. – С. 5-11.

12. Azimjonovich R. I., Nafisaxon A., Sitoraxon K. Mustaqillik yillarida ko'p millatli va kop konfessiyali mahallalar faoliyatini tashkil etishning o 'ziga xos xususiyatlari // "Yosh Tadqiqotchi" jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 37-42.

13. Мирзаев А. А. Ўзбекистонда гид таржимонлар этика стандартлари ва муаммолари //общественные науки в современном мире: политология, социология, философия, история. – 2019. – с. 81-84.

14. Эргашев У. О., Мирзаев А. А. Содержание повышения позитивных изменений в духовном мировоззрения молодежи в образовательных учрежденияХ //Интернаука. – 2019. – №. 45-1. – С. 62-63.

15. Кадирова, Дилдора Сабирджановна. "Формирование у студентов профессионального и личностного самоопределения." Вопросы науки и образования 7 (2018): 287-289. URL cyberleninka.ru/article/n/formirovanie-u-studentov-professionalnogo-i-lichnostnogo-samoopredeleniya

16. Sobirjonovna, Kadyrova Dildora. "Tourist opportunities of the regions for the development of tourism in the fergana valley." academicia: an international multidisciplinary research journal 10.12 (2020): 1374-1376.

17. Raximov I. A. Establishment of the ministry of community and family support is an important step in self-government //современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 215-222.



18. Rakhimov I., Abdullayev S. Uzbek neighbourhoods: history and nowadays //Вестник Ошского государственного университета. – 2019. – №. 3. – С. 34-37.
19. Rahimov I. Neighborhood democratic material //Обмен научными знаниями в условиях глобализации. – 2021. – С. 31-34.
20. Рахимов И. А., Нурматов Л. О. Ў. Кўп миллатли, конфессияли маҳаллалар демократиянинг бош мезони //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 1068-1074.
21. Hursanalievich H. S., Abdumannonovich N. M. Hamza hakimzade niyazi in foreign sources.
22. Нуриддинов М. А. Талабалар ижтимоий компетентлигини ривожлантиришда педагогик ва психологик омилларнинг ўрни //ijtimoiy-gumanitar fanlarning zamonaviy yondashuvlari. – 2022. – Т. 1. – С. 89-92.
23. Тишабаева, Лола Арифовна. "Духовно-нравственное воспитание студентов в вузах Республики Узбекистан." *Вопросы науки и образования* 1 (13) (2018): 61-62.
24. Тишабаева, Лола Арифовна. "Изучение истории в воспитании молодежи Узбекистана-один из важнейших вопросов." *Вопросы науки и образования* 7 (19) (2018): 84-85.
25. Тишабаева, л., & Кадирова, д. Экономика и социум. *Экономика*, 446-449.
26. Тишабаева, Лола Арифовна. "Формирование и воспитание гражданской позиции у студенческой молодежи." *Вопросы науки и образования* 5 (17) (2018): 135-136.
27. Тишабаева, Лола Арифовна. "Роль трудов учёных-мыслителей востока в духовном возрождении общества." *Достижения науки и образования* 13 (35) (2018): 34-35.
28. Тишабаева, Лола Арифовна. "Возможности развития туризма в городе Кувасай Республики Узбекистан." *Научные исследования* 6 (25) (2018): 25-27.
29. Тишабаева, Лола Арифовна. "Эффективное применение педагогических и образовательных технологий на занятиях." *Достижения науки и образования* 3 (44) (2019).